

Сийрат дарслари (37-дарс)



15:42 / 19.06.2019 7442

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беморликлари ҳақида

199. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинади:

«Оишанинг олдига кириб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беморликлари ҳақида гапириб бермайсизми?» дедим. У киши айтди: «Майли. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар ва: **«Одамлар намоз ўқишдими?»** дедилар. «Йўқ. Улар сизга интизор бўлиб туришибди, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. **«Менга тоғорага сув қуйиб беринглар»**, дедилар. Биз айтганларини қилдик. У зот ғусл қилдилар. Кейин турмоқчи бўлиб, уриндилар ва хушларидан кетдилар. Сўнгра ўзларига келиб: **«Одамлар намоз ўқишдими?»** дедилар. «Йўқ. Улар сизга интизор бўлиб туришибди, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. **«Менга тоғорага сув қуйиб беринглар»**, дедилар. Биз айтганларини қилдик. У зот ғусл

қилдилар. Кейин турмоқчи бўлиб, уриндилар ва ҳушларидан кетдилар. Сўнгра ўзларига келиб: «**Одамлар намоз ўқишдими?**» дедилар. «Йўқ. Улар сизга интизор бўлиб туришибди, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. «**Менга тоғорага сув қуйиб беринглар**», дедилар. Биз айтганларини қилдик. У зот ғусл қилдилар. Кейин турмоқчи бўлиб, уриндилар ва ҳушларидан кетдилар. Сўнгра ўзларига келиб: «**Одамлар намоз ўқишдими?**» дедилар. «Йўқ. Улар сизга интизор бўлиб туришибди, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

Одамлар масжидда тўпланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни хуфтон намозига кутиб туришарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намозга ўтиши ҳақида Абу Бакрга хабарчи юбордилар. Хабарчи келиб унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга намоз ўқиб беришингни амр қиляптилар», деди. Абу Бакр (кўнгли) юмшоқ одам эди. Шунда у: «Эй Умар, одамларга намозга ўт», деди. «Бунга сен ҳақлисан», деди Умар. Ўша кунлари Абу Бакр одамларга намозга ўтди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларида енгиллик сезиб, бири Аббос бўлган икки кишига суянган ҳолда пешин намозига чиқдилар. У зот чиққанларида Абу Бакр имомлик қилаётган эди. Абу Бакр у зотни кўриб, ортига тисарила бошлади. У зот унга ортга ўтмаслик ҳақида ишора қилдилар ва (ёнларидаги) икковига: «**Мени унинг ёнига ўтқазинглар**», дедилар. Иккови у зотни Абу Бакрнинг ёнига ўтқазиди. Абу Бакр тик турган ҳолида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларига, одамлар Абу Бакрнинг намозига эргашиб намоз ўқидилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, ўтирган ҳолларида эдилар.

Убайдуллоҳ айтади: «Абдуллоҳ ибн Аббоснинг олдига кириб унга: «Оишанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беморликлари ҳақида менга айтиб берганларини сенга билдирайми?» дедим. «Айтавер», деди. Шунда мен билдирдим. У бирор нарсани инкор қилмади. Фақатгина: «У сенга Аббос билан бирга бўлган кишининг номини айтдимми?» деди. «Йўқ», дедим. «У Алий эди», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.